Куч — адолатда

2014 йил
4 январь,
шанба
№ 1 (462)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.





Янги йил бу гал юртимизга ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки кайфият, ўзгача тароват билан кириб келди. Шаҳару қишлоқларимиз, кўча ва хиёбонларимиздаги бетакрор безанган арчалар, ял-ял ёнаётган чироқлар тимсолида ҳам буни кўриш мумкин. Бу юртимиздаги тинчлик, осудалик, яратувчанлик, ободлик меваси бўлиб, мамлакатимизнинг тобора тараққий этаётганининг ёрқин тимсоли десак, асло хато бўлмайди.

ЯНГИ МАҚСАДЛАРИМИЗ ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЕТАКЛАЙДИ

Ўтган йилда аҳолимизнинг реал даромадлари 15,7 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга ўсгани, инфляция даражаси 6 фоиздан ортмагани, бозор ва дўконларимиз расталари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани — буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганининг яққол далили ва исботи, десак, янглишмаган бўламиз.

Янги йил ҳар бир оилада тўкин дастурхон атрофида кўтаринки кайфият ва яхши ниятлар ила қарши олинди. Янги — 2014 йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолганда телеканалларимиз орқали давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига янги йил табриги ўқиб эшиттирилгани юртдошларимиз кайфиятини янада кўтариб юборди. Ундаги қуйидаги жумлалар ҳар бир кўнгилга ҳамоҳанг тарзда жаранглади:

«Мана шу унутилмас, шукуҳли дамларда сиз, мўътабар отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ўғил-қизларимиз, жажжи болаларимизни — барчабарчангизни қутлуғ қадамлар билан юртимизга кириб келаётган янги йил билан чин қалбимдан табриклаб, самимий тилакларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман. Байрамона дастурхон атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларни бағримга босиб, хонадонларингизга тинчлик, соғлик-омонлик ва хурсандчилик, тўкин-сочинлик ёр бўлишини, юртимиз янада обод бўлиб, янада чирой очиб равнақ топишини, барча-барча эзгу ниятларимиз ушалишини тилайман».

(Давоми тўртинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

2013 йил 11 декабрь № 21 Тошкент шаҳри

Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида конституциявий нормаларга мувофиқ боланинг оилада тарбияланиши оила қонунчилигининг устувор тамойилларидан бири сифатида тан олинган.

Фарзандликка олиш институти ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланишини назарда тутган ҳолда ушбу масалани ҳал қилиш ваколати судларга берилиши оила институтини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялашда оиланинг аҳамиятини кучайтириш ҳамда оилавий муносабатларда қонунийликни таъминлашда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Оила кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ва судлар томонидан мазкур тоифадаги ишларни кўришда келиб чиқаётган саволларни тушунтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори фарзандликка олиш ҳақидаги аризаларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш бола манфаатлари ҳимоясининг муҳим кафолатларидан бири эканлигига қаратилсин.

2. Тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг аризалари бўйича фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар фарзандликка олинаётган боланинг яшаш ёки турган жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судловига тааллуқли.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшаб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек, қаерда доимий яшаётганликларидан қатъи назар, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фарзандликка олиш ҳақидаги аризалари фарзандликка олинаётган боланинг яшаш ёки турган жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ёки Тошкент шаҳар суди судловига тааллуқли.

Фарзандликка олувчиларнинг бири бошқа давлат фуқароси бўлганда ҳам фарзандликка олиш ҳақидаги ариза ушбу судларга тааллуқлидир.

3. Назарда тутмоқ лозимки, фарзандликка олиш ҳақидаги аризалар алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар жумласига киради ва ариза мазмун жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси ФПК 149-моддасида назарда тутилган талаблар билан биргаликда мазкур кодекс 285-2-моддаси талабларига жавоб бериши ва давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция, ФПК 285-3-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилиниши лозим ва фарзандликка олувчилар (олувчи) томонидан имзоланади.

4. Аризани қабул қилиш масаласи ФПК 151-154-моддалари талабларига мувофиқ ҳал этилишини назарда тутган ҳолда суд аризачи томонидан кодекснинг 285-2 ва 285-3-моддалари талабларига қанчалик риоя этилганлигига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

5. Судларнинг эътибори ФПК 159, 160-моддаларида назарда тутилган ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича ҳаракатлар билан биргаликда кодекснинг 285-4-моддасида назарда тутилган ҳаракатлар тўлиқ бажарилмаслиги ишнинг муддатида кўрилишига ва қабул қилинадиган қарор қонунийлигига таъсир қилишига қаратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Низомга мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларига юкланганлигини инобатга олган ҳолда фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбурияти ушбу орган зиммасига юкланиши инобатга олиниши лозим.

Шу билан биргаликда хулоса Низом талабларига мувофиқ тузилганлигига ва унга ФПК 285-4-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилиниши лозимлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Назарда тутмоқ лозимки, фарзандликка олинувчининг соғлиғи ҳақидаги тиббий маълумот педиатр, невропатолог, хирург (ортопед-травматолог), офтальмолог, отоларинголог, логопед томонидан тузилади ва соғлиқни сақлаш тизимида белгиланган тартибда тасдиқланади.

6. Судларга тушунтирилсинки, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек, прокурор албатта иштирок этган ҳолда кўриб чиқилади.

Зарур ҳолларда, суд фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини (отасини ёки онасини), унинг қариндошларини ва бошқа манфаатдор шахсларни, шунингдек, ўн ёшга тўлган боланинг ўзини ишда қатнашишга жалб қилиши мумкин.

Фарзандликка олувчининг (олувчининг) ваколатлари тегишли тартибда расмийлаштирилган вакили борлиги, фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) судга ҳозир бўлиш мажбуриятидан озод этмайди. Мазкур тоифадаги ишлар бўйича фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) вакили уларнинг шахсий иштирокисиз судда ишни кўриш босқичидан ташқари ҳаракатларни олиб боришга, хусусан, зарур далилларни йиғиш ва тақдим этиш, ишни судда кўришга тайёрлашда ариза юзасидан тушунтиришлар бериш, судьянинг талаби бўйича қўшимча далиллар тақдим этиш, ёзма ва ашёвий далилларни талаб қилиб олишга ёрдам кўрсатиш масаласини қўйишга ҳақли.

Ўн ёшга тўлган болани ишга қатнашишга жалб қилиш масаласини ҳал этишда суд Оила кодексининг бола ҳар қандай суд муҳокамаси даврида сўзлашга ҳақлилигини назарда тутувчи 68-моддаси қоидаларидан келиб чиқиши лозим. Боланинг суддаги иштироки унга нохуш таъсир этиши мумкинлигини кўрсатувчи асослар мавжуд деб ҳисобланганда, суд ушбу масала бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг фикрини аниқламоғи лозим.

7. Қонун билан ҳимояланган фарзандликка олишнинг сир сақланишини таъминлаш (Оила кодекси 153-моддаси) мақсадида судларнинг эътибори мазкур тоифадаги ишлар, шу жумладан, фарзандликка олишни бекор қилиш ва ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишлар ҳам, ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилишига ва бу масала ишни судда кўришга тайинлаш ҳақидаги ажрим билан ҳал этилиши лозимлигига қаратилсин.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, демократия, ижтимоий адолат, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Бу борада судлар зиммасига ҳам одил судловни амалга ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдек ғоятда муҳим вазифалар юклатилган.

Mezon

Хусусий ажрим

у қандай тартибда чиқарилади?

Чунончи, суд фуқаролик ишини кўриб чиқиш чоғида айрим мансабдор шахслар ёки фуқароларнинг ҳуқуқбузарликка йўл қўйганлигини аниқлаган тақдирда, Фуқаролик процессуал кодексининг 19-моддасига мувофиқ хусусий ажрим (қарор) чиқариши ҳамда уни қонуний чора кўриш учун тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юбориши шарт.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Фуқароларнинг мурожаатлари

қонун доирасида ҳал этилмоқда

Мамлакатимизда барча соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни, аввало, инсон манфаати, унинг орзу-умидлари, эзгу ниятларини рўёбга чиқаришдек хайрли мақсадларга хизмат қилмоқда.

Бу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат идоралари, хусусан, адлия идоралари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам алоҳида эътиборга молик.

Хусусан, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, қонун ижодкорлиги ва жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг давлат томонидан тартибга солинишини

назорат қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Аввало шуни айтиш керакки, истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан олиб борилган ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш тизими шаклланди. Судларда ишларни кўришнинг соддалаштирилган, фуқаролар учун қулай бўлган тартиблари жорий этилди. Шулардан бири — сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти бўлиб, уни қўллаш тартиби процессуал қонунчиликда батафсил белгиланган.

Fuqarolik qonunchiligi

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш

унинг ўзига хос хусусиятлари

Миллий қонунчилигимизга сиртдан иш кўриш институтини киритишдан кўзланган асосий мақсад — фуқаролик процессида тарафларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарликни янада ошириш, низоли масалани ҳал этишни тезлаштириш, шунингдек, ишларни белгиланган вақтда кўриб ҳал этиш орқали манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ишда иштирок этувчи шахслар уларга маълум бўлган фарзандликка олиш билан боғлиқ маълумотларни сир сақлашлари зарурлиги, шунингдек, фарзандликка олиш сирини фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши ошкор қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 125-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилишлари лозим. Бу ҳаракатлар суд мажлисининг баённомасига киритилади ва мазкур шахслар томонидан имзо билан тасдиқланади. Фуқаролик иши ёпиқ суд мажлисида кўрилиши тўғрисида суд мажлиси баённомасида ва ҳал қилув қарорида кўрсатилади.

8. Оила кодексининг 167-моддасига мувофиқ фарзандликка олинган боланинг туғилишини қайд этиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланиши сабабли боланинг мулкий ҳуқуқларини (ҳадя, мерос тариқасида ёки хусусийлаштириш натижасида вужудга келган мулкий ҳуқуқлар ва ҳ.к.) ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаблар фарзандликка олиш ҳақидаги ариза билан биргаликда кўрилиши мумкин эмаслигига судларнинг эътибори қаратилсин.

9. Тушунтирилсинки, Оила кодексининг 159-моддасига мувофиқ болани фарзандликка олиш учун бола ота-онасининг розилиги талаб этилади. Ота-она боланинг муайян бир шахс (шахслар) томонидан фарзандликка олинишига розилик билдирилиши ёки фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик органига ҳавола қилишлари мумкин.

Оила кодексининг 72-моддасига кўра, вояга етмаган ота-она ўн олти ёшга тўлишлари билан ота-оналик ҳуқуқларини мустақил амалга оширишга ҳақли эканликларини инобатга олган ҳолда ўн олти ёшга тўлмаган ота-онанинг боласи фарзандликка олинаётганда уларнинг розилигидан ташқари ота-она қонуний вакилларининг, қонуний вакиллар мавжуд бўлмаган тақдирда эса васийлик ва ҳомийлик органининг ҳам розилиги талаб этилади, Оила кодексининг 160-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар ота-она ўз розилигини қайтариб олишга ҳақли эканлигини инобатга олиб, розилик Оила кодекси 159-моддасининг 3-қисмида белгиланган тартибда тасдиқланган аризада баён этилган бўлса, уларнинг болани фарзандликка олинишига розилигини қайта аниқлаш талаб этилмайди. Шу билан биргаликда, суд ишни кўриш вақтида ота-она боланинг фарзандликка олинишига берган розилигини қайтариб олган-олмаганлигини аниқламоғи лозим.

10. Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида суд фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш юклатилиши сабабли, судлар ота-онанинг бола фарзандликка олинишига розилиги бундай хулоса учун зарур ҳужжатлардан бири эканлигига ва Низом талабларига мувофиқ ариза нотариал тасдиқланган бўлиши лозимлигини инобатга олишлари талаб қилинади.

Оила кодексининг 158-моддасига асосан васийлик ёки ҳомийликдаги болани фарзандликка олиш, агар унинг ота-онасидан розилик талаб қилинмайдиган бўлса, васий ёки ҳомийнинг розилиги билан амалга оширилади.

Шу билан биргаликда судлар Оила кодексининг 160-моддасида белгиланган ҳоллардагина фарзандликка олишга ота-онанинг розилигисиз йўл қўйилишини инобатга олишлари лозим.

11. Тушунтирилсинки, Оила кодекси 157-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинмаётган бўлса, бунга хотин (эр)нинг розилиги талаб этилади. Бундай розилик эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган ва эр(-хотин)нинг турар жойи номаълум бўлган ҳоллардагина талаб қилинмайди.

12. Оила кодексининг 155-моддаси талабига мувофиқ, ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб этилади ва бундай розилик берилганлиги васийлик ва ҳомийлик органи ёки ишни кўриш вақтида суд томонидан аниқланади. Бундай ҳолларда, суд болага фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари (қариндошлари билан кўришиш, мулкий ва бошқа низолар), унинг фамилияси, исми ва ота исми туғилиш тўғрисидаги ёзувларнинг ўзгариши тушунарли ҳолда баён қилинган бўлиши лозимлигига эътибор қаратиши лозим.

13. Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишни мазмунан кўриб чиқиб, суд аризани қаноатлантириш тўғрисида ёхуд уни қаноатлантиришни бутунлай ёки қисман рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли.

Шу сабабли суд аризани ҳал этишда, фарзандликка олишни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши шарт бўлиб, бунда Оила кодексининг 152-моддасига биноан:

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;

ушбу кодекс 169-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;

қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар фарзандликка олувчи бўла олмасликлари инобатга олиниши лозим.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўгай ота ва ўгай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.

14. Фарзандликка олинаётган боланинг ака-укалари ва опа-сингиллари бўлиб, улар ҳам ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлсалар ва уларга нисбатан аризачи уларни ҳам фарзандликка олиш истагини билдирмаган ёхуд уларни бошқа шахс фарзандликка олиш истагини билдирган бўлса, болани фарзандликка олишга унинг манфаатига мувофиқ келсагина (масалан, болаларга уларнинг қариндошлиги ҳақида маълум бўлмаса, болалар биргаликда яшамаган ва тарбияланмаган бўлсалар, турли болалар муассасаларида бўлсалар, соғлиқларининг ҳолатига кўра бирга яшашлари ва тарбияланишлари мумкин бўлмаса) йўл қўйилади.

Шу сабабли суд Оила кодекси 151-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, фарзандликка олинаётган боланинг ака-укалари ва опа-сингиллари борлигини ва ишни кўриш вақтида уларни фарзандликка олиш учун асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши керак.

15. Оила кодекси 151-моддасининг 1-қисмига мувофиқ фарзандликка олишга фақат вояга етмаган боланинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилишидан келиб чиққан ҳолда судлар, турар жойидан қатъи назар, фарзандликка олинувчининг қариндошлари, фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс, ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар, ўгай ота ва ўгай она, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар фарзандликка олишда устун ҳуқуққа эга эканликларини инобатга олишлари лозим.

Шу билан биргаликда чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган болани фарзандликка олишга агар болани Ўзбекистон Республикасининг унинг ҳудудида доимий яшаётган фуқароларига фарзандликка бериш имконияти мавжуд бўлмаган ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкинлиги инобатга олинмоғи лозим.

Назарда тутмоқ лозимки, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болаларни фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасида ўз дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлган давлатларнинг фуқаролари томонидан амалга оширилиши мумкин.

16. Назарда тутмоқ лозимки, Низом талабларига мувофиқ фарзандликка олувчилар бўлиш имконияти тўғрисида хулоса тайёрлаш учун васийлик ва ҳомийлик органи болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганиш натижалари бўйича далолатнома тузади ва далолатнома бошқа зарур ҳужжатлар билан бирга ариза берувчиларни фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйиш учун асос ҳисобланади.

Шу сабабли судлар фарзандликка олувчиларнинг турмуш шароитларини ўрганиш ҳақидаги далолатномаларни иш бўйича бошқа далиллар билан биргаликда текшириш ва баҳолаш лозимлигига эътибор қаратишлари лозим.

17. Судларнинг эътибори чет эл фуқаролари бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши лозимлигига қаратилсин. Бунда тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши шарт.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 307-сонли қарори билан тасдиқланган "Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) иштирокчилари бўлган давлат фуқароларининг ҳужжатлари легаллаштирилиши талаб этилмаслиги, балки ваколатли давлат органлари ҳужжатни имзолаган сифатида иш кўрган шахснинг имзоси ҳақиқийлиги ва ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлиги тасдиқланиши кифоя қилишини инобатга олиш лозим.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганиш ҳақида далолатномаларни текшириш ва баҳолашда судлар далолатнома Конвенция ҳамда ФПК 285-3-моддасининг 3-қисми талабларига мувофиқлигига эътибор қаратишлари талаб этилади.

18. Назарда тутмоқ лозимки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда ҳам ушбу кодекс 151-167-моддаларининг талабларига риоя қилиниши лозим.

Агар фарзандликка олиш натижасида боланинг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан белгиланган ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, фарзандликка олувчининг фуқароликка мансублигидан қатъи назар, фарзандликка олиш мумкин эмас, амалга оширилган фарзандликка олиш эса суд тартибида бекор қилиниши лозим.

19. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш ҳақидаги аризани кўриб чиқишда суд нафақат аризачи фуқароси ҳисобланган давлатнинг қонунчилиги, балки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларидан ҳам келиб чиқиши лозим.

Шу сабабли, суд аризачининг болани фарзандликка олишига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини синчковлик билан текшириши лозим.

20. Оила кодексининг 238-моддасига мувофиқ суд чет эл оила ҳуқуқининг нормаларини қўллашда мазкур нормаларининг мазмунини уларнинг тегишли чет эл давлатида расмий шарҳланиши ва амалиётда қўлланилишига мувофиқ тарзда аниқлайди.

Шу муносабат билан чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш мақсадида суд ёрдам ва тушунтиришлар олиш учун белгиланган тартибда Адлия вазирлигига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига мурожаат қилиши ёки экспертларни жалб қилишга ҳақли.

Агар амалга оширилган чораларга қарамай, чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмуни аниқланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади.

21. Фарзандликка олишга фақатгина бола манфаатидан келиб чиққан ҳолда йўл қўйилишини инобатга олган ҳолда судлар, мазкур тоифадаги ишларни кўришда, ҳар бир ҳолатда ариза қаноатлантирилиши бола манфаатларига қанчалик мос келишини текширишлари лозим.

Шу сабабли, қарор қабул қилишда фарзандликка олувчилар (олувчи)нинг маънавий ва бошқа шахсий фазилатларини, унинг ва у билан бирга яшовчи шахсларнинг соғлиқларини, оилада шаклланган муносабатлар характерини ва аризани тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

22. Тушунтирилсинки, суд тартибида фойдасига ота-онасидан алимент ундирилаётган бола фарзандликка олинганда, Оила кодекси 147-моддасининг 2-қисмига асосан уларнинг алимент тўлаш мажбуриятлари тугатилади. Алимент тўлаш мажбуриятини тугатиш алимент тўловчи шахснинг илтимосига асосан ФПК 380-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунининг 37-моддаси тартибида суднинг ажрими билан ҳал этилади.

Шу билан биргаликда, фарзандликка олинаётган боланинг вафот этган отасининг ёки онасининг қариндошларига нисбатан сақланиб қолинган ҳолларда (ОК 165-моддасининг 3-қисми) ота-онанинг алимент тўлаш мажбуриятлари тугатилмайди. Бундай ҳолларда алимент миқдорини ўзгартириш, уни тўлашдан озод қилиш масалалари манфаатдор шахсларнинг аризаларига асосан даъво иш юритиши тартибида ҳал этилиши лозим.

23. Фарзандликка олиш ҳақидаги ариза қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида фарзандликка олинган боланинг туғилиши ёзилган дафтарга ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган фарзандликка олинган ва фарзандликка олувчилар (олувчи) тўғрисидаги барча маълумотлар кўрсатилади.

Бола битта шахс томонидан фарзандликка олинаётганда унинг манфаатларини кўзлаб, агар фарзандликка олувчи эркак бўлса, онасининг хоҳишига кўра ёки агар фарзандликка олувчи аёл бўлса, отасининг хоҳишига кўра, шунингдек, агар фарзандликка олинаётган боланинг отаси ёки онаси вафот этган бўлса, вафот этган ота ёки она ота-онасининг (буванинг ёки бувининг) илтимосига кўра суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги қарорида фарзандликка олинган боланинг отаси ёки онаси билан ёхуд вафот этган отасининг ёки онасининг қариндошлари билан ҳуқуқий муносабатлари сақлаб қолиниши кўрсатиб ўтилади.

24. Тушунтирилсинки, алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса (масалан, фарзандликка олинаётган бола зудлик билан даволаш курсини ўташи лозимлиги), ФПК 220-моддаси 1-қисмининг 3-бандига кўра, суд ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этилишига йўл қўйишга ҳақли.

25. Ота-онанинг мажбуриятларидан фарқли равишда фарзандликка олувчиларнинг болага нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олувчиларда ота-оналик ҳуқуқи ва мажбуриятлари насл-насаби туфайли эмас, балки фарзандликка олганликлари муносабати билан вужудга келишини инобатга олган ҳолда судлар Оила кодексининг 169-моддасида назарда тутилган асослар уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эмас, балки фарзандликка олишни бекор қилишга асос бўлишини инобатга олишлари лозим.

Мазкур тоифадаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади ва ишни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳам ҳисобга олинади.

26. Тушунтирилсинки, фарзандликка олганларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин тортганликлари ёки уларни лозим даражада бажармаганликлари суд томонидан фарзандликка олишни бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Боланинг манфаатлари учун зарур бўлган бошқа ҳолларда ҳам фарзандликка олиш суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги даъво, уни расмийлаштиришда қонун бузилганлигини асос қилиб қўзғатилган бўлса, суд низони ҳал этишда барча ҳақиқий ҳолатларни, жумладан, фарзандликка олишни бекор қилиш боланинг манфаатларига зид келиш-келмаслигини ҳисобга олиши шарт.

27. Суд фарзандликка олишни бекор қилиш вақтида боланинг моддий ёрдамга муҳтожлигини аниқласа, собиқ фарзандликка олувчи зиммасига унинг таъминоти учун маблағ тўлаш мажбуриятини юклашга ҳақли.

Бундай ҳолда боланинг моддий таъминоти учун маблағ ундириш суд томонидан собиқ фарзандликка олувчининг ва ундирувчининг моддий ва оилавий шароитларини ҳисобга олиб, қатъий суммада амалга оширилади.

28. Назарда тутмоқ лозимки, фарзандликка олишнинг бекор қилинишига фарзандликка олинган бола вояга етгунига қадар, яъни ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар йўл қўйилади.

Шу билан биргаликда, фарзандликка олинувчи вояга етганидан кейин ҳам фарзандликка олиш бекор қилинишига фақатгина фарзандликка олинувчининг хулқатвори фарзандликка олувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказаётган, уларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф солаётган ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкин.

29. Тушунтирилсинки, судлар фарзандликка олишни бекор қилиш ҳақидаги аризанинг судловга тааллуқлилик масаласини ҳал қилишда ФПК 141-142 ҳамда 285-1-моддалари талабларидан келиб чиқишлари лозим.

30. Фарзандликка олишни бекор қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарорида фарзандликка олинувчининг фамилияси, исми ва ота исмини сақлаш-сақламаслиги кўрсатилади, шу ўринда ўн ёшга тўлган боланинг фамилияси, исми ва ота исми фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкинлиги инобатга олиниши лозим.

31. Тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги қонунига мувофиқ, Оила кодекси фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш асосларини назарда тутмайди.

Шу билан биргаликда судлар, ФК 4-моддасининг 1-қисмига кўра, фуқаролик қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ва улар амалга киритилганидан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилишини назарда тутмоқлари лозим.

32. Суд томонидан фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш Оила кодексининг Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги қонуни билан кучини йўқотган 168-моддасида кўрсатилган ҳолларда ва фақат шу вақтга қадар фарзандликка олинганларга нисбатан: фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қалбаки ҳужжатларга асосланган бўлса; фарзандликка олиш сохта бўлса; вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса; фарзандликка олувчи шахс Оила кодексининг 152-моддасига мувофиқ фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса ва бошқа ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан фарзандликка олинганнинг ота-онаси, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар, шунингдек, ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола мурожаат қилишлари мумкин.

33. Судларга тушунтирилсинки, фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, фарзандликка олувчилар (олувчи) ва фарзандликка олинаётган боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олинган боланинг туғилишини ёзиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кундан эътиборан белгиланади, .

Шу сабабли судлар фарзандликка олинаётган бола манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ФПК 285-6-моддасининг 1-қисмига асосан, фарзандликка олиш, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб, уч кун ичида ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборишлари шарт.

Фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайд этилган ҳолларда, суд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари"га мувофиқ (IV-боб, 63-72-бандлар) ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олувчининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

34. Судларнинг эътибори тарафлар ва бошқа шахслар ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган ҳар бир ҳолат тўғрисида ФПК 19-моддасига мувофиқ, жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар қилиш лозимлигига қаратилсин.

35. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 23-сонли қарорининг 23-25-бандлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси **Б.МУСТАФАЕВ**

Пленум котиби в.б., Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси **Ғ.ХИДОЯТОВ**

Fuqarolik qonunchiligi

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш

унинг ўзига хос хусусиятлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қонунда сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш учун иккита шарт вужудга келиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Биринчидан, жавобгар қонунда белгиланган тартибда суд мажлисида кўриладиган иш ҳақида хабардор қилинган ва бу ҳақда ишда тегишли маълумот бўлиши талаб қилинади. Бундай талаб Фуқаролик процессуал кодексининг 224-моддасида белгиланган. Унга кўра, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда иш сиртдан кўрилиши мумкин. Иккинчидан, ишни сиртдан кўришга даъвогар эътироз билдирмаса, суд иш бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқариши мумкин. Суд ишни бундай тартибда кўриш ҳақида ажрим чиқаради.

Сиртдан иш юритиш тартибининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қароридан норози бўлган жавобгар ариза билан юқори судга эмас, балки айнан шу судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Фуқаролик ишини сиртдан кўрган туманлараро, туман (шаҳар) судидан ҳал қилув қарори устидан берилган аризани кўриш учун бир қатор процессуал ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилади. Яъни ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриш вақти ва жойи ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади. Ариза ва унга илова қилинган материаллар уларга танишиш учун юборилади.

Қисқаси, сиртдан ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза шу ишни кўрган туманлараро, туман (шаҳар) суди томонидан ҳал этилади. Бу аризалар ўн кун муддат ичида суд мажлисида кўриб чиқилади.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, даъвогар Савдо-саноат палатасининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси "Микрокредитбанк"нинг Сирдарё вилояти ҳудудий филиали манфаатини кўзлаб, жавобгарлар "Рустам Абдусаматов" фермер хўжалиги ва фуқаро А.Йўлдошевга нисбатан кредит қарздорликни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судига мурожаат этган. Суднинг 2013 йил 3 майдаги сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилган.

Айтиш керакки, суд ушбу низони жавобгарларнинг иштирокисиз кўриб чиқиб, ҳал қилув қарори қабул қилган. Шундан сўнг жавобгар А.Йўлдошев судга ариза билан мурожаат қилиб, чақирув қоғози ўз вақтида етиб келмагани боис судда қатнаша олмагани ва натижада судда қарорнинг мазмунига таъсир этиши мумкин бўлган ўз важларини келтира олмаганини таъкидлаб, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни янгитдан кўришни сўраган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 234-моддасига кўра, агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриш вақтида суд тарафнинг суд мажлисига келмаганини узрли, деб топса ва тараф сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далилларни тақдим қилаётганини аниқласа, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилади ва ишни мазмунан кўриб чиқади.

Мазкур ҳолатда суд аризачининг важларини асосли деб ҳисоблаб, айнан ушбу кредит берилиши жараёни билан боғлиқ ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилганлиги ҳақида жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 2 апрелдаги ажрими мавжуд эканлигини инобатга олиб, аризани қаноатлантиришни лозим, деб топди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, даъвогар Абдумурод Қаршибоев жавобгар Рўзиқул Бердимуродов ва бошқаларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Маълум бўлишича, А.Қаршибоев 2010 йил 15 апрелда жавобгар Р.Бердимуродовдан Боёвут тумани 3-Боёвут сувдан фойдаланувчилар уюшмаси Амир Темур маҳалласида жойлашган уйни олди-сотди шартномасига асосан сотиб олган. Жавобгар Р.Бердимуродов уйни бир ой ичида бўшатиб беришини айтган. Лекин жавобгар шу кунгача уйни бўшатиб бермасдан келаётганлигини баён қилиб, оила аъзолари билан низоли уйдан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро судининг 2011 йил 9 августда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, жавобгар оила аъзолари билан мазкур уй-жойдан чиқарилган. Суднинг ушбу ҳал қилув қарори устидан жавобгар Р.Бердимуродов кассация шикояти бериб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни ва ишни янгидан кўриш учун юборишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, низоли бўлган уй-жой Ховос тумани ҳокимининг 2007 йил 7 ноябрдаги 812-сонли қарорига асосан, Р.Бердимуродовга тегишли бўлган. У 2010 йил 15 апрелда Боёвут тумани давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномасига асосан, ушбу низоли уйни А.Қаршибоевга сотган. Низоли уй даъвогар А.Қаршибоевнинг номига давлат рўйхатидан ўтказилиб, кадастр ҳужжатлари берилган.

Уй-жой кодексининг 11-моддасига биноан, турар-жойга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаган ҳолда шахснинг ўзига тегишли турар-жойга ўз хоҳиши ва манфаатларига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқларни ифода этади.

Биринчи инстанция суди даъвогар А.Қаршибоевнинг ўз мулкини тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқларини асосли амалга оширганлигини эътироф этган ҳолда, жавобгарларни низоли уйдан чиқариш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш хусусида қонуний тўхтамга келган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, суд-ҳуқуқ соҳасига оид қонунларнинг либераллаштирилаётгани фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини оширмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга замин яратмоқда.

Анорбой МУСУРМОНҚУЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг судьяси

Mezon

Хусусий ажрим

у қандай тартибда чиқарилади?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Тегишли орган ёхуд мансабдор шахс хусусий ажримнинг (қарорнинг) нусхасини олган кундан эътиборан бир ой муддат ичида ҳуқуқбузар шахсга нисбатан қандай чора кўрилгани тўғрисида судга маълум қилиши шарт.

Агар суд фуқаролик ишини кўраётганида тарафнинг ёки бошқа шахснинг хатти-ҳаракатида жиноят аломатларини аниқласа, бу ҳақда прокурорга маълум қилади. Биринчи инстанция судининг хусусий ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суднинг хусусий ажрими — бу таъсир этиш усули ва воситаси бўлиб, суд томонидан алоҳида тартибда қабул қилинадиган, қонун билан белгиланган вазифаларни мустақил бажарадиган процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Айтиш керакки, 2013 йилда фуқаролик ишлари бўйича Навоий туманлараро судлари томонидан ишларни кўришда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 55 та, вилоят суди апелляция ва кассация инстанция суди томнидан эса, 10 та хусусий ажрим чиқарилган.

Апелляция ва кассация инстанция судида апелляция ва кассация шикоятлари асосида чиқарилган хусусий ажримлар асосан меҳнат, уй-жой, никоҳ, оила каби муносабатлар билан боғлиқдир. Масалан, даъвогар А.Юлдошева судга тақдим қилган даъво аризасида 1996 йил 11 сентябрда туғилган фарзанди Нодир Бобур ўғли Туробовнинг соғайгунига қадар ҳар ойда жавобгардан 200.000 сўмдан қатъий алимент ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 2012 йил 9 октябрда сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарори билан ушбу даъво аризаси қисман қаноатлантирилган.

Бироқ вилоят суди апелляция инстанцияси томонидан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Шунингдек, ушбу ишни кўриш жараёнида тиббиёт муассасаси томонидан мазмунан бир-бирига зид бўлган маълумотномалар берилганлиги сабабли иш бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолати юзасидан туман тиббиёт муассасаси бош шифокорига нисбатан хусусий ажрим чиқарилди.

Аниқроқ айтганда, Қизилтепа тумани поликлиникаси томонидан даъвогар А.Юлдашевага 2013 йил 7 сентябрда берилган 86-сонли маълумотномада 1996 йилда туғилган Нодир Туробовни марказий поликлиника "лор" хонаси "Д" назоратида туради деб кўрсатилган бўлсада, жавобгарнинг кассация шикоятига илова қилинган айнан шу шифокорнинг 2013 йил 19 сентябрдаги маълумотномасида 1996 йилда туғилган Нодирбек Туробов марказий поликлиника "лор" хонаси "Д" назоратида турмаслиги маълум қилинган.

Қизилтепа тумани марказий поликлиникаси шифокори Ғ.Қурбонов томонидан 2013 йил 10 октябрда берилган 94-сонли маълумотномада Н.Туробовнинг "лор" хонаси "Д" назоратида туриши, қайд этилган.

Ушбу ҳолатлардан кўринадики, шифокор томонидан хизмат вазифасига зид равишда иш бўйича тарафларга турли хилдаги маълумотномалар берилган.

Кассация судлов ҳайъати Фуқаролик процессуал кодексининг 19-моддасига асосан, Қизилтепа тумани марказий поликлиникаси шифокорига нисбатан хусусий ажрим чиқаришни, уни вилоятнинг туман, шаҳар поликлиникалари, жойлардаги қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа тиббиёт муассасалари шифокорлари ўртасида муҳокама қилиш лозим деган тўхтамга келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 181-моддасида мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунбузиш ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, шунингдек, хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаслик жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, хусусий ажрим қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва уни бартараф этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Олимжон МЕЛИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг раиси

Qonun ko`magi

Фуқароларнинг мурожаатлари

қонун доирасида ҳал этилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жумладан, адлия бошқармаси томонидан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ҳудуддаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари Асосий қонунимизга ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, адлия идоралари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бу фуқароларнинг Конституциямиз ва амалдаги қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашдан иборатдир.

Хусусан, жорий йилда Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг 347 та мурожаати ўрганиб чиқилди. Бу мурожаатларнинг 213 таси қаноатлантирилди ва тегишли субъектларнинг ҳуқуқлари тикланиши таъминланди, 124 та мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.



Бундан ташқари адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигида судларга 18,5 миллиард сўмлик 557 та даъво аризаси киритилди.

Масалан, Сирдарё туманидаги "Нур Аланга" фермер хўжалигига контрактация шартномаси шартлари тайёрлов корхонаси томонидан бажарилмагани туфайли жами 5.871.041 сўм суд тартибида ундириб берилиши таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бундай кўламли чора-тадбирлар инсон манфаатларини улуғлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдек эзгу мақсадимиз йўлидаги дадил қадамдир.

А.ТОШҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Аввало шуни айтиш жоизки, мустақил юртимизнинг амалдаги қонунларида жамиятимиз ҳаёти учун мутлақо ёт саналган қилмишлар қатори фирибгарлик билан боғлиқ номуносиб хатти-ҳаракатлар учун ҳам адолатли ва муқаррар жазо чоралари белгиланган. Хусусан, Конституциямизга мувофиқ, мулк ва унинг барча шакллари дахлсиздир ва унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонун билан таъқиб этилади. Фирибгарлик — мулкка тажовузнинг жиддий ва оғир турларидан бири саналади.

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳаёт мазмуни — ҳалолликда

Суд очерки

Фирибгарлик жиноятлари ва унга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари Жиноят кодексининг 168-моддасида батафсил баён этилган. Унда ушбу қилмиш учун қўлланилиши лозим бўлган муқаррар таъсир чораси билан бирга адолат ва бағрикенглик намуналари — етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда айбдорга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлламаслик тамойили ҳам ўз ифодасини топган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jamiyatimiz maqsadi

Қонунда белгиланган никоҳ ёши

унга риоя этмаслик жавобгарликка сабаб бўлади

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлодни жисмонан соғлом, ақлан етук, бир сўз билан айтганда, ҳар жиҳатдан комил инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, юртимизда бу борада барча шарт-шароитларнинг муҳайё этилгани ёш авлод камолотига хизмат қилмоқда.

Ҳеч кимга сир эмас, соғлом фарзанд соғлом оилада камол топади. Шу маънода юртимизда оиланинг иқтисодий, маънавий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Чунончи, 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун ҳам айни шу мақсадга хизмат қилмоқда. Келинг, шу ўринда ҳаётий мисол ёрдамида фикримизни давом эттирайлик.

Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2013 йил 8 июлдаги очиқ суд мажлисида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47^3-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган ота-ўғил Қаландар ва Самандар Шароповлар ҳамда Роҳила Мажидовага оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар алоҳида тартибда кўриб чиқилди.

Аниқланишича, Самандар Шаропов никоҳ ёшига етмаган Дилноза Саимовага уйланиб, у билан эр-хотин бўлиб яшаб келган. Унинг отаси Қаландар Шаропов эса, никоҳ ёшига етмаган Д.Саимовани ўғли Самандарга никоҳлашга бош-қош бўлган. Р.Мажидова қизи Дилноза ўн етти ёшга тўлмаган бўлсада, уни турмушга узатиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатини содир қилган.

Суд ҳуқуқбузарлар — С.Шаропов, Қ.Шаропов ва Р.Мажидовага нисбатан жазо тайинлашда уларнинг шахсини, айбларига иқрорлигини, содир этган ҳуқуқбузарлик ҳаракатидан пушаймонлигини, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганликларини инобатга олди.

Суд қарори билан ҳуқуқбузарлар — С.Шаропов, Қ.Шаропов ва Р.Мажидовалар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47^3-моддаси 1-қисми билан айбдор, деб топилди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланиб, уларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизда никоҳнинг қонунийлигини таъминлаш, оилани барқарорлаштириш ва соғлом фарзандни тарбиялашга доир қонун ҳужжатларининг ижросини тўлиқ таъминлаш орқали мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтиришга ва турмушимиз фаровонлигини янада оширишга муносиб улуш қўшган бўламиз.

Азиз АКРОМОВ,
жиноят ишлари бўйича Пастдарғом тумани судининг судьяси

Etirof

Янги мақсадларимиз юксак марраларга етаклайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Дарҳақиқат, янги йил ҳар сафар кўнглимизга янги тилаклар, орзу-умидлар олиб киради. Ўтаётган умримизга бир кур назар ташлаб, уни сарҳисоб қилган ҳолда янги мақсадлар сари интилишга куч бағишлайди.

Якунланган йилнинг **"Обод турмуш йили"** деб номлангани ва мазкур йилда қабул қилинган давлат дастури асосида амалга оширилган ишлар халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги турар жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Дастур доирасида барча манбалар ҳисобидан 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширилган ишларнинг ҳажми ва кўлами нечоғлик кенг ва улкан эканидан яққол далолат беради.

Президентимизнинг байрам табригида қайд этилганидек, якунига етаётган 2013 йилнинг Ватанимиз тараққиётига, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, эл-юртимиз ҳаёт даражасининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани, хосиятли ва баракали бўлганини шукроналик билан таъкидлашимиз лозим. Бунинг далили сифатида жаҳон миқёсида ҳали-бери давом

этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этгани ва бундай кўрсаткич дунёда қамдан-кам давлатларда кузатилаётгани барчамизга чуқур мамнуният бағишлайди.

Президентимиз ташаббуси билан 2014 йилга **"Соғлом бола йили"** деб ном берилгани юртдошларимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Чунки бугунидан кўра эртасини ўйлайдиган, фарзанд камолини ҳар нарсадан устун қўядиган болажон халқимиз бу номнинг шарофати жондан азиз болалари манфаатларига хизмат қилажагини дилдан ҳис этади.

Айниқса, **"Соғлом бола йили"** мазмун-моҳияти ҳар йилгига қараганда чуқурроқ ва кенг қамровга эга. Бу шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир хонадон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ, албатта.

Шу ўринда мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида жамиятнинг қуйи бўғини — оилани ҳар томонлама муҳофаза қилиш, унинг ҳуқуқий асосларини тобора мустаҳкамлаш борасида изчил ишлар амалга ошириб келинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, маънавий етук, жисмоний соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни беқиёсдир. Шу боис оилани ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту иқболини кўриш — ҳар бир ота-она, ҳар қайси оиланинг энг улуғ ва муқаддас орзусидир. Шу билан бирга, ҳаммамиз яхши тушунамизки, фақатгина жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимга, ўз фикр ва қарашларига эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодни камол топтириш — биз кўзлаган обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий гарови ва айтиш мумкинки, ҳал қилувчи шарти бўлиб майдонга чиқмоқда. Айни шу ҳақиқатни чуқур англаб, **"Соғлом бола йили"** деб ном олган 2014 йилда ва келгусида ҳам бу масала, бу вазифа ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз, барча-барчамизнинг доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

...Янги йилнинг дастлабки ҳафтаси ҳам якунига етмоқда. Аммо юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи ҳамон юқори кайфият ила давом этмоқда. Бу мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровонлик туфайлидир. Айниқса, болажонлар қувончининг чеки йўқ. Чунки улар учун юртимизнинг барча гўшаларида театрлаштирилган байрам томошалари давом этмоқда. Бундай тадбирларнинг дастлабкиси "Президент арчаси" байрам тантаналаридир. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бошланган ушбу тадбирда шаҳардаги барча Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг ўғил-қизлари қатнашмоқда. Эътиборлиси, бундай тадбир Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам ташкил этилаётир. Тантанада қатнашган барча кичкинтойларга Президент совғалари топширилмоқда.

Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдонида давом этаётган Янги йил байрами тантаналари қордек оппоқ тилакларимиз, покиза орзуниятларимиз, болаларнинг беғубор, шодон кайфиятига ҳамоҳангдир. Янги йил байрами арафасида мамлакатимизнинг энг мўътабар майдонида барпо этилган мўъжаз шаҳарчада ушбу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топди. Майдонга кириб келган киши ўзини гўё эртакмонанд гўшага тушиб қолгандек ҳис этади. Бу ерда қад ростлаган улкан арча, айниқса, кичкинтойларга катта завқ-шавқ улашмоқда.

Оқшом тушгач, майдон янада фусункор қиёфа касб этади. Бадиий безаклар, лазерли технологиялар, иллюминацион чироқлар, махсус ёритиш эффектларидан киши қалбига янада кўтаринкилик, завқ инади. Майдонга туташ кўчаларнинг икки тарафи ўндан ортиқ бадиий эффект берувчи махсус чироқли қурилмалар билан жиҳозланган.

...Қорбобо, қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари кичкинтойларни жўровозликда қўшиқ куйлашга, шўх-шодон рақсга тушишга чорлайди. Арча атрофида болаларнинг беғубор кулгуси янграйди. Бундай манзарани бугун мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонидан тортиб барча маданият ва истироҳат боғлари, вилоят ва туман марказларида, театрлар ва маданият уйлари саҳналарида кўриш мумкин. Шўх-шодон куй-қўшиқлар нафақат болажонлар, балки катталарга ҳам хуш кайфият улашмоқда.

Бундай саодатли онлар Янги йил арафасида қилган ниятларимиз, нафақат ўзимиз, балки юртимиз иқболи йўлида янги марралар сари интилишимизга куч бағишлайди. Жорий йилда ҳам юқоридаги каби хайрли ишлар давом этиб, булар шу заминда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётида муҳим из қолдиришига шубҳа йўқ.

Норгул АБДУРАИМОВА

G'aroyib olam

Бугунги кунда қоғоздан ҳамма кундалик турмушда фойдаланади. Чунончи, жавонимиздаги нодир китоблардан тортиб, оддий чипталаргача қоғоздан тайёрланади. Аммо илк марта қоғознинг қачон ва қаерда ихтиро қилинганлигига кўп ҳам эътибор беравермаймиз.

Биз билган ва билмаган дунё

ҚОҒОЗ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Эътироф этиш жоизки, қоғознинг кашф этилиши ёзув ва китоб тарихида фавқулодда янги даврни бошлаб берди. Илк ўрта асрларда Хитой ва Марказий Осиёда қоғоз тайёрлаш кенг йўлга қўйилган. Тарихий маълумотларга қараганда, эрамизнинг 650 йилларидаёқ Самарқандда илк қоғоз китоблар қўлбола усулда босилган. Шунга қарамай ҳужжат, мактуб, китоб каби ёзма манбалар кўпроқ чарм, ёғоч, суяк ва тошга, камдан-кам ҳолларда эса, қоғозларга ёзилган. Чунки ўша даврда қоғоз жуда камёблиги боис унинг баҳоси ниҳоятда юқори бўлган.

Бизнинг асримизга келиб эса, қоғоздан нафақат ҳужжат ёки китоб сифатида, балки бу хом ашёдан турли-туман нарса-буюмлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, кийим-кечак, пойафзал, қурилиш жиҳозлари ва бошқа беҳисоб маҳсулотлар фикримизни тасдиқлайди. Дарвоқе, Англия да бир тадбиркор қоғоздан бинойидек стол тайёрлаган. Париж шаҳрида эса, қоғоздан тайёрланган замонавий кўйлак, костюм, оёқ кийимлар, мебел, ҳатто ажойиб тақинчоқлар билан савдо қилувчи дўкон фаолият юритади.



Японияда бундан ҳам илғор жараён такомиллашган: қоғоз чиқиндиларидан ғишт, уй деворлари ва бошқа қурилиш материаллари тайёрлаш усули ишлаб чиқилди. Унга кўра, дастлаб қоғоз қийқимлари яхшилаб майдаланади, сўнг полиэтилен билан аралаштирилади. Тайёр бўлган суюқлик кучли босим остида турли шаклдаги қолипларга қуйилади. Мутахассисларнинг айтишича, бу материал пишиқликда ёғочдан қолишмас экан. Ҳатто биноларнинг пойдевори учун ҳам шу материаллардан фойдаланса бўлар экан. Янги технологиянинг афзаллиги биргина унинг иқтисодий самарасидагина эмас, балки чиқиндиларни қайта ишлашнинг самарали йўли топилганидадир. Бундан ташқари чиқиндиларни ёқиш орқали атроф-муҳитга тарқалаётган зарарли газлар ҳам, ўз-ўзидан равшанки, кескин камаяди.

Хитойда эса, қоғознинг янги тури ўйлаб топилди. Унга ёзилган ёки муҳрланган ёзувларни ўчириб ташлаш орқали ундан яна бир неча маротаба фойдаланса бўлади.

Бу қоғоз махсус модда билан қопланган бўлиб, агар у сувга солинса ёки сув буғи пуркалса, ёзув ўчиб кетади. Фақат шуни ҳам айтиш жоизки, бу янги қоғоз ҳозирча оддий қоғозларга қараганда анчайин қиммат бўлгани боис ундан фойдаланувчилар кўп эмас.

Германияда эндиликда сут маҳсулотлари ва шарбатлардан бўшаган қоғозхалталарни қайта ишлашга киришилди. Ундан енгил ва анча пишиқ тахта тайёрлаб, мебел ясаш мумкин.

Канадада эса, торф моҳидан янги қоғоз салфеткалар ишлаб чиқарилмоқда. У одатдаги салфеткалардан ўта юпқалиги билан фарқ қилади, бироқ жуда юпқа бўлишига қарамай суюқликни ўзига кўп сингдиради. Аниқроғи, ўз оғирлигидан 12 баробар кўп сув шимади. Бу салфеткалар жигарранг бўлганлиги боис фойдаланишда жуда қулай, деб ҳисобланмоқда.

Шу ўринда яна бир қизиқарли маълумотни эътиборингизга ҳавола этамиз. Гап шундаки, шаҳар кўчаларида қоғоз стаканчалардан кўп фойдаланамиз. Аслида уни ким ихтиро этганини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Унинг муаллифи оддий тижорат вакили Давид Картен ҳисобланади. У иш юзасидан кўп шаҳарларга борар эди. Бир гал иссиқдан лоҳас бўлиб, чарчаб Канзасга келади. У ерда чала ювилган шиша стаканда сув ичаётиб ўйлаб қолади: "Наҳотки, бир марта ишлатиладиган идиш яратиш қийин бўлса?!". Шу пайт унинг хаёлига қоғоз келади ва илк бор қоғоз стакан ишлаб чиқариш унинг ташаббуси, аниқроғи, тижорат таклифи билан йўлга қўйилган.

Одатда, жамоат транспортида фойдаланилган қоғоз патталар автоуловдан тушган заҳоти ташлаб юборилади. Бундан эса, бекатлар ифлосланиши келиб чиқади. Хўш, кўчаларни тоза ва озода сақлаш учун нима қилиш керак? Мальта жамоат транспорти ассоциацияси бунинг осон ечимини топди. У ерда эндиликда патталар лотерея, деб эълон қилинган. Ҳар ойнинг охирида фойдаланилган патталар ўйналади. Бу ўйинда ҳам омади бор, албатта, ютади. Ютмаганлар эса, куйинишмаса ҳам бўлади. Негаки, йил охирида йиллик патталар бўйича ҳам жуда катта лотерея ўйини ўтказилади.



Бундай тадбир кутилганидан ҳам яхши самара бера бошлади. Чунончи, биринчидан, шаҳар озодалигини сақлашда муҳим омил бўлди, иккинчидан, автобусда паттасиз юрувчилар деярли учрамайди. Энг муҳими, жамоат транспортида юрувчилар сони қарийб 1,5 бараварга ошганлиги кузатилган.

Бугун хонадонимизни безаб турган гулқоғозлар эса, бундан 300 йил муқаддам ихтиро қилинган экан. У яратилгунга қадар деворга нақшлар билан безатилган терилар ёки ҳар хил рангли матолар илинган. Кейинчалик эса, қоғознинг анча қулайлиги боис гулқоғозлар ишлаб чиқарила бошланган. Негаки, у ҳам арзон, ҳам деворга осон ёпишади ва ўзига деярли чанг юқтирмайди.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, тадбиркорлик субъектларининг почта манзили ўзгарган тақдирда бу ҳақда рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинадими? Агар хабардор қилинадиган бўлса, қанча муддатда хабардор қилиши лозим ?

Р.ҲАЙИТБОЕВ,
Шовот тумани

— Тадбиркорлик субъектлари ўз почта манзили ўзгарган тақдирда ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бунда давлат божи ундирилмайди. Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олгандан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларига хабар беради.

— Айтинг-чи, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолса, унинг ўрнига дубликат бериш мумкинми?

Ш.РАЗЗОҚОВ,
Хазорасп тумани

— Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўрнига тадбиркорлик субъектининг аризасига биноан унинг дубликати берилиши мумкин. Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома дубликатини беришда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида тўлов ундирилади. Бу ҳолда тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги йўқолган гувоҳноманинг ҳақиқий эмаслиги ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериши, шунингдек, рўйхатдан ўтказувчи органга эълон қилинган хабарни ва белгиланган миқдорда тўлов тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжатини тақдим этиши шарт.

Саволларга Хоразм вилояти адлия бошқармаси ходими А.Жуманиёзов жавоб берди.

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳаёт мазмуни – ҳалолликда

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шуни қайд этиш зарурки, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талонтарож қилиш (Жиноят кодексининг 167-моддаси) ҳамда хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш (кодекснинг 186-моддаси) каби ноқонуний хатти-ҳаракатларда ҳам фирибгарлик аломатлари бор. Қонунда бу каби қилмишлар учун қатъий ва муқаррар жазо чоралари белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 июлдаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида (Олий Суд Пленумининг 2013 йил 31 майдаги қарорига асосан ушбу қарорга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган) бу борада судларга тегишли раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Афсуски, ҳаётда кимнингдир ишончини суиистеъмол қиладиган, бойлик орттириш илинжида фирибгарлик йўли билан жиноятга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради.

Масалан, қўқонлик Умар

Суд очерки

Аҳмедов (исм-шарифлар ўзгартирилган) муқаддам бир неча маротаба судланган. У содир қилган қилмишларидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига такроран яна жиноятга қўл уради. Аниқроқ айтадиган бўлсак, у 2012 йил февраль ойи бошларида ҳамтовоқлари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Ш.Обидовага тегишли бўлган "Matiz" русумли "01 L 306 НА" давлат белгили автомашинани 3 йил муддатга, ҳар ойда 380 АҚШ доллари тўлаб бориш шарти билан жами 13.680 АҚШ долларига сотиб олишини айтади ва унга олдиндан икки ойлик тўловни беради.

Бироқ У.Аҳмедов автомашинани қўлга киритгач, ғараз ниятини амалга оширади. Яъни у машинанинг ҳужжатларини қалбакилаштириб, бошқа шахсга — А.Маматовга сотиб юборади.

Айтиш керакки, содда ва ишонувчан одамларни алдаб, "чув" туширишнинг ҳадисини олган У.Аҳмедов ўзининг жиноий ҳаракатларини яна давом эттириб, 2012 йил апрель ойида жиноий шериклари билан М. Обидовга тегишли бўлган "Tico" русумли автомашинани ҳам ҳар ойда 300 АҚШ доллари тўлаб бориш шарти билан жами 9.500 АҚШ долларига сотиб олишга келишади. Машина эгасининг ишончини қозониш мақсадида унга олдиндан икки ойлик тўлов пулини беради. Шундан сўнг нафси ҳакалак отган У.Аҳмедов ушбу автомашинани навбатдаги мижоз — Д.Боборахимовга кўрсатиб, унга автомашина учун олдиндан 1.300 АҚШ доллари бериш ва қолган пулни 30 ой давомида ойига 100 АҚШ долларидан тўлаш шарти билан сотиб юборади.

У.Аҳмедов ва унинг жиноий шериклари бу қилмишлари билан чекланиб қолмай, фирибгарлик ва алдов йўли билан З.Худойназаровнинг 7.000 АҚШ доллари, А.Мамаюсуповнинг 3.100 АҚШ доллари, Б.Раҳмоновнинг 2.400 АҚШ доллари ва Н.Турдиевнинг жами 9.260.000 сўм пул маблағини қўлга киритади.

Бироқ ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмагани каби У.Аҳмедовнинг жиноий қилмишлари ҳам фош этилди. У жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2013 йил 12 мартдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "а", "б", "в" бандлари, 228-моддаси 2-қисми "б" банди ва шу модданинг 3-қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, халқимиз азал-азалдан ўзаро ишонч, садоқат ва вафо каби инсоний фазилатларни юксак қадрият сифатида эъзозлаб келган. Зотан, ушбу инсоний фазилатлар моҳият-эътибори билан одамлар ўртасида ўзаро самимият, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Шундай экан, ушбу муқаддас фазилатларни ниқоб қилиб, ғараз мақсадни амалга ошириш ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

Отабек СИДДИҚОВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг судьяси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шоюнус ГАЗИЕВ
Қўчқор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОКЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ҲИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-125. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9847.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20[30] Топширилди: 21[30]